

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Оилангизга тинчлик, хотиржамлик, жамиятимизга юксак тараққиёт, осойишталик, файзу барака тилаб, "Оила ва жамият" газетасига обуна давом этаётганини маълум қиламиз. 25 йил давомида сизнинг дилдошингиз бўлган газетамиз билан 2017 йилда ҳам бирга бўласиз, деган умиддамиз.

Обуна индекси – 176

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ



Оила Ва жамият

45 (1300)-сон 9 ноябрь 2016 йил


Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

АЁЛЛАР ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ФАОЛ




Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал – демократик партиясининг 300 мингга яқин аъзоларидан 124 минг 197 нафар (38.2 %) ини аёллар ташкил этади. Маҳаллий кенгашлар депутатларининг 366 нафари хотин-қизлардан иборат. Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 5 нафар сенатор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 10 нафар депутат хотин-қиз фаолият юритмоқда.




Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 190 мингдан ортиқ аъзоси бўлиб, шундан

93 минг 284 нафари (48 %) ни хотин-қизлар ташкил этади. Худудий ва маҳаллий кенгаш депутатлар умумий сонининг 265 нафари хотин-қизлардан иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 3 нафар сенатор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 6 нафар депутат хотин-қизлар фаолият юритмоқда.




Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 2014 йил сайловларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 5 нафар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 4 нафар хотин-қиз сайланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилояти кенгашлари депутатлигига 55 нафар, халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларига 397 нафар хотин-қиз депутат этиб сайланган. 300 нафардан ортиқ аёл минтақавий ва маҳаллий партия ташкилотларида турли лавозимларда фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона ва Наманган вилоят кенгашларига 2 нафар, 50 га яқин туман, шаҳар кенгашларига, бошланғич партия ташкилотларининг 3600дан ортиғига аёллар раҳбарлик қилади. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, партияга аъзо хотин-қизлар сони 210 000 нафардан ортиқ, бу қарийб 50 фоиз демакдир.



Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси аъзоларининг умумий сони 143 000 га яқин бўлиб, шундан 72 000 дан зиёди (51 %) ни хотин-қизлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоларининг 10 фоизи, яъни 2 нафари хотин-қизлардан иборат.



Нукусда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси юзасидан депутатлик назоратининг натижалари: ютуқлар, муаммолар ва галдаги вазифалар” мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари шаҳар, туман ва Хоразм вилояти Кенгашлари депутатлари, доимий комиссиялар раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияга ердан берувчи Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича ишчи гуруҳлар аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси раиси Т.Мадумаров, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Ижтимоий ривожлантириш ва жамоат бирлашмалари масалалари қўмитаси раиси Б.Нурабуллаев, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Р.Сабуров ва бошқалар Биринчи Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлат дастури ижроси доирасида Қорақалпоғистон Республикасида 11 бўлим ва 109 банддан иборат хуудий дастур ишлаб чиқилган. Дастур ижросига 312 миллиард 878,7 миллион сўм ва 6 миллион 618,6 минг доллар миқдоридан маблағ ажратилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида 6

тиббиёт муассасасида 21 миллиард 489 миллион сўмлик реконструкция ва қурилиш ишлари олиб борилди. Барча туманлар ва Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмалари, Тахиятош шаҳар шифохонаси, Нукус шаҳридаги 7-оилавий поликлиника замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тасдиқланган диагностика ва даволашнинг халқаро андозалари асосида 120 тиббиёт ходими ЮНИСЕФ томонидан чақалоқлар реанимацияси бўйича ўқитилди. 2004-2014 йилларда фойдаланишга топширилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари қўшимча равишда, шунингдек, 2016 йилда ишга туширилган объектлар 32 номдаги спорт анжомлари билан жиҳозланди.

Тадбирда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари назорат фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва уларни амалга ошириш механизмларини, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияга ердан берувчи ишчи гуруҳ ишчи янада тақомиллаштириш, давлат дастури ижроси юзасидан депутатлик назоратининг бугунги ҳолати, уни амалга оширишда сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг иштироки юзасидан фикр алмашилди.

Аминбой Ортиқбоев, ЎЗА

САҲОВАТ КУНИДА САПОМАТЛИК САРИ

“Сенинг саломатлигинг учун биринчи қадам” акцияси ZARSTOM клиникасида ташкил этилди.

Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси ва ZARSTOM клиникаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда кам таъминланган оилалар ва уларнинг фарзандлари клиникада бепул даволаниш, маслаҳат олиш имкониятига эга бўлишди. 15 йилдан бери самарали фаолият олиб бораётган клиниканинг хайрига тадбирида клиника директори, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали стоматолог Шоҳида Иброҳимова турли ёшдаги болалар ва аёлларда даволаш муолажаларини ўтказиб, тавсиялар берди.

– Бугунги кунда ёш болалар ўртасида кўпроқ тиш кариеслари учрамоқда. Аёлларнинг эса ҳомилдорлик ва туғқудан кейинги ҳолатларда мил билан боғлиқ касалликлари кўп, – дейди Шоҳида опа. — Афсуски, фуқароларимиз тиш шифокорларига кечроқ мурожаат қилишади. Сабаби, турли оғрик қолдирадиган дорилар орқали тиш оғринини вақтинчалик тўхтатиб, уни 2-3-босқичгача ўтказиб юборишади. Бугунги акцияда ҳам асосан, болаларнинг тишларини назоратдан ўтказдик ва даволадик.

Кун давомида беморлар тиш шифокори қабулида бўлишди. Фаолиятига 15 йил бўлган клиника бу каби хайрли тадбирларни анъанавий тарзда ўтказиб туради. Акцияда оилаларга Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциациясининг “Бола ҳуқуқлари” номли китобча ва буклетлар тақдим этилди.

– Ушбу йилда она ва боланинг саломатлиги, маънавий ва жисмоний баркамоллиги йўлида ассоциация томонидан лойиҳалар ва тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бу борада ҳамкорликдаги ишларимиз алоҳида эътирофга лойиқ, – дейди ассоциация директори Раъно Каримова. – Бугунги акцияда оналар ва болаларни қамраб олиб, уларга бепул ва самарали тиббий хизматни ташкил этмоқдамиз. Пойтахтимиздаги нуфузли мазкур клиниканинг ўтказиб берган бу тадбири яхши анъанага айланади ва бошқа тиббиёт муассасалари ҳам бу каби хайрли ишларда фаол бўлишади, деб ўйлайман.

Камола АДАШБОВЕВА

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

МАСЪУЛИЯТ ОАВ ЗИММАСИДА

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида “Мақтабгача таълим: бола ривожининг асосий омиллари” мавзуси семинар-тренинг ўтказилди.

Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда бу йўналишда малакали журналист, таҳлилчи ҳамда шарҳловчи кадрларни тайёрлаш, уларнинг маҳоратини ошириш муҳим ва долзарблиги таъкидланди.

– Бугун мактабгача таълим йўналишида бир қатор ишлар олиб борилиб, янгидан-янги қонунлар амалга тадбиқ этилмоқда, – дейди Халқ таълими вазирлиги Мақтабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув-методик маркази директори ўринбосари Мавлуда Рустамова. – Жумладан, 2008 йили Халқ таълими вазирлиги томонидан давлат талаблари тасдиқланган. Бунда болаларнинг жисмоний ривожланиши, нуқт ва саводга тайёргарлик, ижтимоий-ҳиссий ривожланиш, атроф-олам ҳақидаги билимларни шакллантириш каби давлат талаблари белгилаб қўйилгани ҳам



юртимизда болаларга бўлган эътиборнинг ифодаси десам, адашмайман. Шунингдек, 2016-2017 йилларда “Болажон” дастури тақомиллаштирилди. Биламизки, ҳамма оилалар ҳам боласининг мактабгача таълим муассасасига боришини истамайди. Натижада бочка билимини ўзлаштирган ва уйдан тўғридан-тўғри мактабга келган бола ўртасида фарқ сезиларли даражада бўлиб қолади. Бу эса бочкага бормаган болага бир қанча қийинчиликларни туғдириши мумкин. Айна шу муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2015 йили 436 минг оилага беш хил номдаги – ўқиш ва саводга тайёргарлик; математик тасаввурларни шакллантириш; нарсий асарлар тўплами; шەърый асарлар тўплами; соғ танда – соғлом ақл тўпламларини етказиб бердик.

Семинар-тренингда мактабгача ёшдаги болалар тарбияси борасида қилинаётган ишлар, бу борада учраётган айрим муаммолар, уларни бартараф этишда ОАВ масъулиятини ошириш масалалари мавзусида мунозаралар бўлиб ўтди.

Тадбир якунида журналистлар муҳим саволларга жавоб олдилар.

Ш.МЎМИНОВА

ИСЛАМСКИЙ БАНК РАЗВИТИЯ (ИБР) ОБЪЯВЛЯЕТ 15 ЕЖЕГОДНУЮ ПРЕМИЮ ИБР В ОБЛАСТИ НАУКИ И ТЕХНОЛОГИЙ И 12 ЕЖЕГОДНУЮ ПРЕМИЮ ИБР ЗА ЖЕНСКИЙ ВКЛАД В РАЗВИТИЕ НА 2017 ГОД

ПРЕМИЯ ИБР В ОБЛАСТИ НАУКИ И ТЕХНОЛОГИЙ

Премия ИБР в области науки и технологий была основана в 2001 году для придания большего значения влиянию науки и технологий на человеческое развитие в странах членах ИБР. Целью Премии является знакомство с достижениями и вкладом научно-технологических институтов в странах членах и поощрение развития исследований и инноваций.

Премия присуждается ежегодно по трем категориям: (1) выдающийся научный и технологический вклад в социально-экономическое развитие стран членов, (2) выдающийся вклад в научных областях (3) научно-исследовательским институтам в наименее развитых странах членах ИБР. Каждая премия составляет 100 000 долл США и по ней присуждается сертификат.

Срок получения заполненных заявок головным офисом ИБР в г. Джидда до 30 ноября 2016.

ПРЕМИЯ ИБР ЗА ЖЕНСКИЙ ВКЛАД В РАЗВИТИЕ

Премия ИБР за женский вклад в развитие была основана в 2006 году для привлечения международного внимания важной роли женщин в развитии сообществ в мире. Целью премии является признание женского вклада в социально-экономическое развитие стран членов ИБР и мусульманских сообществ в странах, не являющихся членами ИБР.

Премия проводится ежегодно и состоит из присуждения 50 000 долл. США женщине или группе женщин и 100 000 долл. США организации. Каждый год тема премии меняется. Тема 2017 года посвящена женскому вкладу в предотвращение и контроль рака. Срок получения заполненных заявок головным офисом ИБР в г. Джидда до 30 ноября 2016.

Эти премии будут присуждаться во время проведения 42-ого ежегодного собрания Совета Управляющих Исламского банка развития, которое будет проходить в г. Джидда, Королевстве Саудовской Аравии в мае 2017 года.

САЙЛОВДА МУСТАҚИЛ ҚАРОР

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ҲИССАСИДИР



Ўзбекистон Республикаси Биринчи президенти Ислам Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва эркин Фуқаролик жамияти барпо этиши, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилаш борасида амалга оширилган ислохотлар жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаб келаётган демократик стандартларга мос сайлов тизими яратилди.

Конституциямизнинг 46-моддасида эса аёллар ва эркеклар тенг ҳуқуқли эканлиги тўғрисидаги норма белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини

Жамиятимиздаги долзарб ва муҳим масалалардан бири, бу – қариндошлар ўртасидаги никоҳдир. Бугун тиббиёт мутахассислари, психологлар, маънавият тарғиботчилари, диний уламолар қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг нохуш оқибатлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида тез-тез чиқиш қилмоқда. Юзлаб мақолалар, суҳбатлар берилди. Хужжатли лавҳалар, фильмлар намойиш этилди. Тушунган одам – тушунди. Тушунмаган – йўқ. Қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳарна бўлсада, камайди. Бироқ, бутунлай йўқолгани йўқ!

Ўйламай-нетмай "Қизимни бегонага бераманми?", "Ўғлимга жиянимни олиб бераман, бегонага ишонч йўқ", деган қарашларга ёпишиб олган, ногирон болалар дунёга келгач, бошини чангаллаб ёки айбни бошқа жойдан излашга уринаётганлар ҳам бор. Икки ўртада оила ажралади. Нафақат оилавий ришталар, балки қариндошлик ришталари ҳам узилиб кетади. Қуда бўлиб, юз кўрмас душманга айланган опа-сингиллар, опа-укалар камми?

Маҳалламиздаги бир опа-сингилнинг қуда бўлмоқчилигини эшитиб, бунинг олдини олиш мақсадида улар билан суҳбатлашдим. "Гапингиз тўғри, биз ҳам телевизор кўриб, газета, журнал ўқиймиз. Лекин шундай қилишга мажбурмиз. Қизимнинг кимларингдир қўлида қийналиб қолишини истамай-

таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 80 дан ортиқ қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд.

Сайлов жараёнида 21 435 009 нафар юртдошларимиз, шу жумладан, 10 825 641 нафар хотин-қиз иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Оқруқ сайлов комиссияларининг 36,8 фоизини хотин-қизлар ташкил қилаётир.

– Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ролини кучайтиришнинг аниқ тизими яратилган, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Инобат Каримова. — «Хотин-қизларнинг сайловлардаги иштироки» мавзусида тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Мазкур йўналишда бир ҳафта давомида республика бўйича 4168 та

давра суҳбати ва учрашувлар олий ўқув юртлири, жойлардаги корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнат жамоалари, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларидаги бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари, маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари ва аъзолари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда уй бекалари ўртасида ўтказилди. Ўтказилган тадбирда 295 мингдан зиёд хотин-қиз жалб қилинди. Сайлов жараёнига тайёргарликдаги фаоллик асосан Наманган, Сурхондарё, Андижон, Хоразм вилоятларида кузатилмоқда. Хотин-қизларнинг, айниқса, олис қишлоқлардаги опа-сингилларимизнинг сайловга оид билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган учрашувлар, тадбирлар уюштирилишига жиддий эътибор берилмоқда.

Наманган вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳилола Юсупованинг айтишича, мазкур ҳудудда ташкил этилган участка сайлов комиссиялари таркибига 90 мингдан зиёд хотин-қиз жалб қилинган.

– Бугунгача вилоятимизда 650 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди, — дейди у. — Тадбирлар натижаси шуни кўрсатдики, хотин-қизларимиз анча фаол. Биринчи марта овоз берадиган ёш қизлар 30 фоизни ташкил этаётди. Унутмаслик керакки, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан хабардор қизларгина овоз бериш жараёнида фаол қатнашади, мамлакат равнақи йўлида онгли равишда мустақил қарор қабул қилади. Тадбирларда Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган да-

стур доирасида, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида бошланғич ташкилотларимиз хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйбага чиқариш, сайлов қонунчилигига қиритилган сўнги ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш ишларини олиб борапти.

– Яқинда вилоятдаги бошланғич ташкилотларимиз раҳбарларини йиғиб, опа-сингилларимизнинг сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишда фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мустақамлаш бўйича чора-тадбирларни атрофида муҳокама қилдик, — дейди Сурхондарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобулова. — Ўтказилган тадбирларга 72 минг хотин-қиз жалб этилди. 700 дан зиёд тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирларни самарали ташкил этиш учун махсус ишчи гуруҳ тузилди. Энг муҳими, сайлов тарғиботини уй бекаларига қулай жойларда ташкил этишга аҳамият қаратаётганимиз иш самарадорлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилган тадбирларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш бўйича тарғибот ишларининг изчил олиб борилиши, уларнинг ўз овози давлатимиз ва жамиятимизнинг тарақиёти учун гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бериши, шубҳасиз.


Нилуфар НУРИДДИНОВА

Мулоҳаза

ҚАРИНДОШ БИЛАН ҚУДА БЎЛМАНГ!

ман. Жияним эса яхши йигит, топармон-тутармон, уйи бор, қорни тўқ. Олам ҳам айрим қайноналардек зулмкор, бемехр эмас. Бегона билан қуда бўлишга кўрқаман". Мана, уларнинг жавоби.

саввур қилинг-а! Вужудингиз титраб, юрак-бағрингиз ларага келади, қилган ишингиздан минг пушаймон бўласиз. Бироқ кеч бўлади. Сўнги пушаймон – ўзинга душман.



Тўғри, ҳамма ҳам фарзандининг бахтини ўйлайди. Аммо юқоридаги сабаблар асос бўлмайди. Бундай йўл тутиш сизга қанчалик қимматга тушишини бир та-

Ахир замонавий тиббиёт бунинг неча марталаб исботлаб, бутун оламга маълум қилди. Узок ақин қариндошлар қонидagi ҳужайралар оз бўлса-да, бири-бирига яқин келиши туфайли бу зуриётларда кузатилмаган нуқсонлар кейинги авлодларда, албатта, учраши олимлар томонидан исботланди.

Телевизорда бир неча марта тугма ногирон болалар интернати намойиш этилди. Мутахассислар ва тиббиёт

олимлари бу ердаги болаларнинг аксарияти қариндошлар никоҳидан дунёга келганлигини айтишди. Наҳотки, ҳақиқатни англаш учун шунинг ўзи етарли бўлмас?

39 ёшни қаршиладим. Тўғри, ҳаётий тажрибам ҳали оз, лекин ёши улғу ота-хонлар билан кўп суҳбат курганман. Айримлар икки-уч бор ажрашган хотинни ҳам бошқаси билан турмуш курса, бахтли бўлиб кетади, деб қўйишади. Бироқ аёл эри билан ажрашса, унинг бахтли бўлиши юздан бирга тенг. Хусусан, аёл ўз қариндоши билан оила курса, болалари мажруҳ туғилса, уни махсус интернатга топширади. Аммо бошқа эрга тегиши ҳам мумкин, бироқ бахтли бўлиши амри маҳол. Бу – қарияларнинг ҳулосаси.

Дунёга келган ҳар бир инсон бахтли бўлишга ҳақли! Аммо айримларнинг бахтсиз инсонга айланиб қолишига ўзимиз сабабчи бўлиб қолмаяпмизми?..

Мен вояга етмаган йигит-қизлар никоҳига қарши маъмурий жавобгарлик жорий этилганидан жудаям хурсандман. Шу ўринда қариндошлар ўртасидаги никоҳни чеклаш учун ҳам қатъий чоралар белгилаш вақти етди, деб ўйлайман.

Азиз ука-сингилларим, ота-онангиз узок-яқин қариндошлар билан оила қуришингизни сўраса, бунинг оқибати нима билан туғанини уларга яхшилаб тушунтиригиз. Мабода бу фойда бермаса, маҳалла раисига мурожаат этинг. Асло розилик берманг, ўшанда наслингиз ва бахтингизни ҳимоя қилган бўласиз.

Тошпўлат АШУРОВ,
Когон шаҳридаги "Зиёкор" маҳалласи раиси

Жалолиддин бобонинг набираси Жавлон бугун боғчада ёдлаган шеърини йўл-йўлакай бурро-бурро айтиди. Тарбиячиси билан хайрлашаркан, чет тилида ўрганган сўзларини шошилганча бобосига билдиргиси келди. Бобоси ингличани тушунмаса ҳам набирасининг зийраклигидан севишиб, олқишлади. Бу болакайнинг танлаш имконияти кенг: хохласта табиат бурчагидаги кушларни кузатиши, мириқиб расм чизиши ёки ақлни чархловчи турли уйинлар уйнаши, спорт анжонлари ёрдамида соғломлаштирувчи машқлар бажариши мумкин.

Набирасини етаклаб боғчадан кўнгли хотиржам бўлиб чиққан Жалолиддин бобо болалар таълим-тарбияси ҳақида ўйлар экан, яқинда маҳалласида очилган нодавлат мактабгача таълим муассасасидаги шарт-шароитларни кўриб, мустақилликка шукрона айтиди.

Ҳа, истиқлолнинг дастлабки йилларида "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши натижасида азлуксиз таълим-тарбия тизими туб-

мазкур таълим турига бўлган эҳтиёжи ҳамда маблағни тўлаш имкониятлари ўрганилди. Тадбиркорнинг изланишлари натижасида меъёрий ҳужжатга асосан барча талабларга жавоб берадиган замонавий маскан бунёд этилди.

— Муассасамизда 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болажонлар тарбияланади, — дейди "Эртақларнинг сеҳрли олами" нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири Жанона Аблакулова. — Ҳар бир гуруҳ 10 нафар болага мўлжалланган. Биринчи ўринда овқатланиш рақсонига эътибор қаратамиз. Чунки бизга мурожаат қилаётган ота-оналарнинг аксарияти фарзанди витаминга бой озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишни сўрашади. Болажонларнинг соғлом ва бақувват бўлишлари учун сузиш, каратэ, хореография тўғрақлари ташкил этилган. Бундан ташқари, катта гуруҳлар учун мактабга тайёрлов курслари фаолият кўрсатмоқда. Бу фарзандини боғчага беришга имконияти бўлмай, фақат мактабга тайёрлаш учун берадиган ота-оналар учун янада қулайлик яратади. Муассасамизда малакали мутахассислар таълим-тарбия беришади. Бугун мактабгача таълим концепцияси, мактабгача

ларнинг мушкуллари осон қилди, — дейди Шахноза Аширбоева. — Замонавий

боғчада барча шарт-шароит муҳайё. Энди фарзандим келажагидан хотиржамман. Муассаса тарбиячилари билан ҳамкорликда ўғлимни мактабга тайёрлайман.

Муассаса остонасидан кираверишда замонавий кўриқлаш хизмати ҳамда тарбияланувчилар ва уларнинг яқинлари ҳақида маълумот киритилган махсус мосламада бинога кириб чиқувчилар тегириги ўтказилади. Муассаса биноси марказлашган компьютер тизимига ўрнатилган. Кундалик фаолият компьютерга жойлаштирилган махсус дастур асосида бошқарилади.

"Тадбиркор — юрт таянчи"

бошланғич таълимни яхши ўзлаштирган ўқувчи келажақда энг юқори қўққиларни забт эта олади. Бунга оиламиз мисолида айтсам, ота-онамнинг таълим-тарбия олишимизга талабчанликлари боис 3 киз 1 ўғил ҳаётида ўз йўлимизни топиб олдик. Чунки дадам ҳам, ойим ҳам олий маълумот олиш учун Тошкент политехника институтини ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институтини битирганлар. Опам Тошкент Халқаро Вестминстер университети халқаро иқтисодиёт йўналиши бўйича магистратурасини битириб дадам ташкил қилган "Cold Fire" масъулияти чекланган жамиятига раҳбарлик қилмоқда. Мен Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика




КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

дан янгиланиб, таълим муассасалари фаолиятига янгича ёндашув қарор топди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги ҳамда 2007 йил 25 октябрдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси нодавлат мактабгача таълим муассасалари тўғрисида"ги Низомлар асосида

ча таълимга қўйиладиган давлат талабларининг қабул қилиниши болаларни ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур тамойиллар белгилаб берилгани нодавлат мактабгача

Муассаса биносининг барча қисми — гуруҳлар хонаси, ётоқхона, ўйинхона, кийиниш ва ювенил хоналари, ошхона, кир ювиш хоналари хорижий технология асосида жиҳозланган. Нодавлат мактабгача таълим муассасасининг кўкаламзорлаштирилган ҳовлиси, ёзги айвончалар, ўйин майдончалари ва спорт майдончаси, об-

университетининг мактабгача таълим йўналиши бўйича магистратурасини битириб, шу ерда мудирлик қила бошладим. Ўзи университетнинг 1-босқичига қабул қилинганимдан оқиб тарбиячи бўлишни дилимга тугиб қўйган эдим. Келажақдаги режаларимни дадам билан маслаҳатлашиб, амалда қўллашга ҳаракат қилдим. Чирчиқ шаҳрининг Мирзағолиб маҳалласи ҳудудида анчадан бери ташландиқ бўлиб ётган жойининг ҳужжатларини тўғрилаб обод масканга айлантирдик. Мен ўқишга кирган йили бинонинг пойдевори ташланган бўлса, битириб дипломни қўлга олишим билан муассаса фойдаланишга тайёр бўлди. Синглим Тошкент молия институтини иқтисодиёт йўналиши бўйича магистратура босқичида таҳсил олмоқда. Укам эса Тошкент Ирригация ва мелиорация институтини қошидаги академик лицей ўқувчиси. У ҳам келажақда Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг халқаро ҳуқуқ факультетига ўқишга кирмоқчи. Мана кўрдингизми, дадам келажақда бизнинг ўз соҳамиз мутахассиси бўлишимизни истайди, набираларини ҳам шунга ундайди. Менинг назаримда ҳар бир ота-она фарзанди келажагини яратиш учун болалигидан оқиб пойдеворини мустаҳкам қўйса, кўзлаган натижасига эришади. Шунинг учун ҳам фарзандларимизни кўпроқ билим олишга жалб қилиш, болалигидан оқиб уларнинг лаёқатини белгилаб, аниқ бир йўналишга йўналтириш истиқболда ўз самарасини беради.



нодавлат мактабгача таълим муассасалари ташкил этила бошлади. Бундай эзгуликнинг замирида илгари боғча деганда болаларни фақат овутиб ўйнатадиган маскан тушунилган бўлса, эндиликда нодавлат мактабгача таълим муассасалари болаларни мактабга тайёрловчи бебаҳо маскан кўринишида ҳалқ кўз ўнгига кўрк очди. Шу билан бирга таълим тизимининг пойдевори сифатида эътироф этилди.

Чирчиқ шаҳридаги "Эртақларнинг сеҳрли олами" нодавлат мактабгача таълим муассасаси ҳам ана шундай масканлардан бири. Оилавий тадбиркорлар Юсуф Аблакулов ҳамда Лола Пиримкулова томонидан қуриб битказилган бу маскан 40 ўринга мўлжалланган бўлиб, нозимда кўрсатилган талаблар бўйича тўлиқ жиҳозланди. Шаҳарда илк мартаба нодавлат мактабгача таълим муассасасини очиб учун дастлаб аҳолининг

таълим муассасаларига ҳам улкан масъулият юклайди. Хусусан, мактабгача таълим тизимиде сифатли таълим хизматлари кўрсатилишини таъминлаш, кадрлар салоҳиятини мунтазам ошириб бориш, болага

шахс сифатида қараб, билим олишга интилиш ва қизиқишни тарбиялаш, ақлий ва жисмоний ривожлантириш, келажақда мактаб таълим тизимига тайёр ўғил-қизларни шакллантириш масалалари давлат талабларининг асосий мазмунини ташкил этади. Шу асосда тарбияланувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш кўзда тутилган. Ҳар бир тарбиячининг ижодкорлиги, юксак касбий маҳорати замирида муваффақиятлари ётганини тарбиячимураббийларимиз яхши билишади.

— Ўғлим улғайгани сайин унинг таълим-тарбиясига кўпроқ вақт ажрата олмаётганимдан хавотирда эдим. Боз устига яқин йилларда у мактабга боради. Демак, билим ва кўникмани эгаллаши лозим. Шундай паллада маҳалламизда нодавлат мактабгача таълим муассасасининг ишга туширилиши мен каби ўнлаб ота-она-

ларнинг мушкуллари осон қилди, — дейди Шахноза Аширбоева. — Замонавий боғчада барча шарт-шароит муҳайё. Энди фарзандим келажагидан хотиржамман. Муассаса тарбиячилари билан ҳамкорликда ўғлимни мактабга тайёрлайман. Муассаса остонасидан кираверишда замонавий кўриқлаш хизмати ҳамда тарбияланувчилар ва уларнинг яқинлари ҳақида маълумот киритилган махсус мосламада бинога кириб чиқувчилар тегириги ўтказилади. Муассаса биноси марказлашган компьютер тизимига ўрнатилган. Кундалик фаолият компьютерга жойлаштирилган махсус дастур асосида бошқарилади.

Ўзига хос замонавий кўриниш олган муассасада фарзанди тарбияланишини истовчилар сони кундан-кунга ортиб борапти. Бошқа мактабгача таълим муассасалари каби нодавлат мактабгача таълим муассасаларига қўйиладиган давлат талаблари бир хил. Фақат бу ерда бола сони камроқ, Шундай экан, биринчи ўринда сифатга эътибор бериш керак. Демак, тарбиячилар интерфаол усуллардан янада кенг фойдаланиб, илк иқтисодий билим бериш, математик тасавуруларни, болалардаги ихтирочилик, ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича турли ташаббуслар билан чиқиб, илғор усулларни фаолиятга тадбиқ этишади. Бу ерда бирор тажрибани қўллаш хоҳиши бўлса, жамоа билан маслаҳатлашиб, таълимий, воқеабанд, ижроли ўйинлар уюштириш учун керакли жиҳозлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган.

— Дадам болалигимиздан оқиб ўқишни талаб қилган ва бунга етарли шарт-шароит яратиб берган, — дейди мудира Жанона Аблакулова. — Негаки, ҳар бир инсон келажақига пойдевор болалиқдан қўйилади. Шунинг учун ҳам

Ҳа, бугун тадбиркор Юсуф Аблакулов ташаббуси билан бунёд этилган нодавлат мактабгача таълим муассасасида болаларнинг эриқмасдан билим олиб, кундан-кунга зийрак бўлиб бораётганининг гувоҳи бўлаётган ота-оналар бу масканга бошқача кўз билан қарашмоқда. Оилавий шароитга яқинлаштирилган гуруҳларда чопқиллаб юрган болаларнинг ўзини ҳудди ўз уйда юргандек хотиржам тутиши барчининг хавасини келтиряпти. Шу боис нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг нуфузи ошаб борапти. Бунга юқоридаги каби масканларга болажонларни қамраб олиш даражаси йилдан-йилга ошаётгани мисолида ҳам аяқол кўриш мумкин.

Бектош ИСМОИЛОВ,
"Оила ва жамият" мухбири

ЧАҚАЛОҚ БАЗМИ

Тугруқхона ёнидан кетаётсам, қизиқ воқеанинг устидан чиқдим. Карнай-сурнай, тумонат одам йиғилган, лимузинлар, гуллар, шарлар... бақир-чақир, тагин талай ашулалчилар овозини қўйиб кўшиқ хиргойи қилишмоқда. Микки-маусларни айтмайсизми? Тўй бўляптими, деб ўйлаб қоласиз. Тўйдан ҳеч ками йўқ.

Диққат билан қарасам, аёл қўлида чақалоқ кўтариб ичкаридан чиқяпти. Оқ матога ўралган жажжигина чақалоқни йиғилган қариндошлари бири олиб, бири қўйиб пул қистирар, кимдир ҳаяжонланиб чўнтак қовлаб, доллар излар, яна биров пул сочарди. Ҳаво жуда иссиқ, тўғриси, шу пайти чақалоққа ҳаво етишмагандек туюлди менга... Ахир, эндигина туғилган гўдакка тинчлик, осойишта муҳит керак эмасми?..

Ярим соатлар чамаси шу ердаги дабдаба сабаб вақтимни ўғирлатдим. Томоша ортидан қанча одамлар шу атрофда тўпланишди, улар машиналарга ўтириб, тизилиб қаёққадир кетишгач, мен ҳам йўлга тушдим. Улар эҳтимол, бирор кафем, ёки чойхонами мўлжаллаб йўлга тушишгандир. Она ҳам атрофдагиларга безътибор, уларнинг ортидан эргашди. Чақалоқнинг териси юпқалиги ҳам дарров унутилди.

Боланинг дунёга келиши ниҳоятда қувончли. Отанинг хурсандлиги ичига сиғмайди. Жигарбандига ният қилиб турли нарсалар олади. Ҳатто чақалоқнинг шифохонадан чиқишини катта тўйдек ўтказадиган инсонлар ҳам бор.

Бугун юртимизда, ортиқча чиқиму бировларга кўз-кўз қилиш учун сарфланаётган маблағларни камайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар қизиган бир пайтда юқоридаги ҳолат таъбни бироз хира тортиради. Муаммо фақат чақалоқни олиб чиқишдаги дабдабани танқид қилиш эмас, балки

Долзарб мавзу

хонадониди ҳам йиғин уюштирганини кўп кўраман. Ахир, бу ҳолат мурғак гўдак ҳамда она саломатлиги учун яхши эмас. Чақалоқ кўпчилиги эътиборини кўтара олмаслиги мумкин. Эски -

мурғак гўдакнинг соғлигига салбий таъсир этувчи шовқин-сурону, яна бир мунча ноқулайликлар туғдираётган орзу-ҳавасда...

Қадимдан ёши улуг момоларимиз чақалоққа тез кўз тегиши, кинна кириши ҳақида кўп гапиришади. Чақалоқ чиллалик пайти она ва болага эътибор ва соғлом муҳит керак. Юқоридаги масала хусусида кўп йиллик тажрибага эга Жуманор момо шундай дейди:

чалик мисолида кўз тегиш, кинна кириши, деган иримлар бор, албатта. Келиним шундай тантаналарга ҳавас қилиб: "ойижон биз ҳам шундай қилайлик, орзу-ҳавасим бор" деганда, "Қизим, орзу-ҳавас, яхши ният дабдабада эмас, балки фарзандингизнинг соғлом туғилиши ва яхши муҳитда улғайишида", деб тушунтирдим. Ҳою ҳавасни деб она ва бола

– Ҳали дунёга келмаган чақалоқ она қорнида барча ташқи таъсирлардан ҳимояланган, яъни изоляция ҳолатида бўлади. Туғилгач эса атрофдаги жаммики нарсага жуда таъсирчанлиги сезилади. Кучли шовқин, қуёш нури ҳали иммунитет ҳосил қилмаган танага салбий таъсир кўрсатади.

– Кучли шовқиндан чақалоқ қаттиқ кўрқувга тушади. Қулоқ ногора пардасининг қаттиқ тебраниши натижасида миянинг ички босими ошади, гўдак инжиқ, йиғлоқи, уйқусиз бўлиб қолади. Оқибатда кейинчалик боланинг нутқида ва эшитишида муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Ташқи муҳитга нисбатан адаптация (мослашув) жараёни кечикиши ҳолатлари ҳам бор. Бундан ташқари, микроблар ҳам тез юқади. Чақалоқнинг юз-кўзидан кўпчилиқнинг ўпиши, қўли билан тегиши натижасида бактерия ҳамда вируслар юқиши эҳтимоли катта. Шундай экан, гўдакни турли нохуш ҳолатлардан ва таъсирлардан ҳимоялаш керак, – дейди невропатолог Олтинбой Нуруллаев.

Фарзанд учун қилинган орзу-ҳавас баъзида унга зиён етказиб қўйиши мумкин экан. Гўдакнинг саломатлигини ўйлаб бу каби дабдабалардан воз кечиш ақлли одамнинг иши. Аксинча, унинг ёрқин келажиги йўлида ният қилиб олинган тўп, китоб ҳам ҳар қандай ҳашаматдан аъло. Ана шундай қилинганда ким билсин, кун келиб шу мурғак қалб эгаси юртини дунёга танитадиган футболчи ёхуд машхур олим бўлар.

Мафтуна ШАМСИЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси



фарзанд саломатлигига зиён етмасин.

Муштақил мамлакатимиз йилдан-йилга ривожланиб, изчил ислохотлар ўтказилмоқда. Жумладан, ҳар бир йилга ном берилиши ва унинг доирасида амалга оширилаётган самарали ишлар ўз натижасини бермоқда. Мазкур йилнинг "Соғлом она ва бола" йили деб аталиши ҳам келажак авлодга катта эътибор қаратилаётганидан далолат.

Бола туғилганидан бошлаб шифокорлар назоратида бўлади. Барча керакли жиҳозлар билан таъминланган шифохонада ҳамма шароитлар бор. Шифокорлар эса ҳар доим она ва бола саломатлигидан хабардор бўлишади.

– Фарзанднинг соғлом ўсиши, чиройли тарбия топишида ота-онанинг ўрни катта. Аввало, бола дунёга келиб, чилласи чиққунча унга тинч муҳит, тоза ҳаво, шовқиндан холи жой керак. Ҳозир ёш ота-оналар орзу-ҳавас дебми, ёки кимўзар учунми гўдак дунёга келишини ҳам тўйга айлантириб юборишади. Катта-катта маблағ сарфлашади. Эшитишимча, бунга 2 миллион, 5 миллион сўм сарфланар экан. Чақалоқ шифохонадан чиқиб уйга келган куниёқ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ТЎРАҚЎРҒОН ШАҲАР ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

Юртимизда фаолият юритаётган барча тиббиёт ходимларини касб байрами билан кутмайди. Валқимиз саломатлиги йўлида жонбозлик кўрсатаётган соҳа мутахассисларига оилавий бахт, сихат-саломатлик, метин ирода, улкан муваффақият ва омад ёр бўлишини тилаймиз.

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК,
АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!**



ТЕРМИНАЛ МУАММОСИ: ХАРИДОРНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

Бугунги кунда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида аҳолининг банк пластик карточкаларидан кенг фойдаланиляпти. Пластик карточкаларда ҳисоб-китоб қилиш мижоз учун жудаям қулай. Тўлов терминаллари ҳам мижозлар учун хизмат қиялпти. Аммо бу терминаллар ҳар доим ҳам ишлялтимми? Мижозлар бу борада нима дейди? Истеъмолчиларга "Терминаллардан кўнглингиз тўлялтимми?" деган савол билан муурожаат қилдик.



Сарвиноз ТОЛМАС қизи, 1 гуруҳ ногирони:

– Дадам билан телефон олиш мақсадида "Малика" савдо марказига бордик. У ердаги дўконлардан бирига кириб "Nokia" русумли янги телефонни 100.000 сўмга сотиб олдик. Афсуски, сотувчи бизга чек ҳам, квитанция ҳам бермади. Телефонни 16 соатга "зарядка"га қўйдим. Афсуски, "Nokia" ишламади. Эртаси кун яна овора бўлиб, ўша дўконга бордик.

Хайрият, бизнинг сабримизни синагандек уч соатдан сўнг дўкон ҳам очилди. Дадам кираверишда чап томондаги сотувчига харид қилган телефонини кўрсатиб, уни мутлақо ишламаётганилини айтди. Сотувчи бўлса унга: "Мен сизни биринчи бор кўриб турибман. Бу телефонни сотмаганман, бошқа дўкондан олгандирсиз", деб туриб олди. Шу пайт ташқарида бир курсига ўтириб олган, 30 ёшлардаги йигит дўкон ичидигиларга қараб: "Харидорларга кўпол муомала қилманглар. Яхшилаб хизмат кўрсатинглар", деб қолди. Мен дарҳол: "Дада, ана шу гапирган киши ўша кун ҳам шу ерда ўтириб, маспахат бериб турганди. Демак, шу дўкон", дедим. Аммо дадамнинг қўлида шу дўкондан телефонни олганлиги ҳақида бирорта ҳужжат йўқлиги учун бунини исбот қилолмади. Мен йиғлаб ўбордим. Дадам сотувчига "Қизим ногирон эди. Шунга совға қилиб олиб бергандим. Рост гапиряман. Худди шу ердан олгандим. Илтимос, бошқасига бўлса ҳам алиштириб беринглар", деди. Бироқ сотувчи рози бўлмади. Шундан сўнг дадам Давлат солиқ қўмитасининг ишонч телефон рақамига қўнғирқоқ қилиб, бўлган воқеани айтиб, ёрдам сўради. Шу пайт стулда ўтирган бир йигит: "Нима қиласиз, бировнинг уйини кўйдириб", деди. Гўшак ортидаги киши дадамдан дўконнинг рақамини ва эгасини сўради. Дадам дўкон рақамини айтди.

Бояги лўқма ташлаган йигит дадамга қараб, "Телефонингизни менга беринг. Менман дўкон эгаси", деди. Дадам унга телефонини узатди. Дўкон эгаси дарҳол хушмуомила бўлиб қолиб: "Бўлди, акажон, ҳозир алиштириб берамиз. Ҳеч қандай муаммо бўлмайди", дея дадамга телефонини узатди. Гўшак ортидаги киши дадамга "Агар муаммонингиз ҳал қилиб бермаса, яна менга қўнғирқоқ қилинг", деди. Яна дўконга кирдик. Дўкон эгаси телефонини обдон кўздан кечирган, унинг "батареяка"сини бошқасига алиштириб, ишлаётганини кўрсатди-да, тўнгиллади: "Қизим, ноги-



рон эди, деб айтганингизда шундоғам беворардим. Бировга тўхмат қилиш яхшимас. Шартмиди қаерларгадир қўнғирқоқ қилиб. Мана, ишлялпти. Олинг. Энди менга ҳақиқатан ҳам ишляйдиган телефон олганингиз ҳақидаги тилхатни ёзиб беринг", дея дадамга тилхат ёздириб олди. Мен эса дадамдан бу дўконда кузатув камераси бор-йўқлигини сўрадим. Дадам "бор" деди. Шунинг учун сотувчига: "Ана, кузатув камерангиз бор экан. Бундан бир кун олдинги дискингизни кўринг. Ким ҳақ, ким ноҳақ билиб олардингиз", дедим. Агар ўша дўконда терминал бўлганида эди биз бунчалик асабийлашмаган, овора бўлмаган бўлардик. Шундай катта бозор дўконларида терминалнинг йўқлиги одамни ажаблантиради.

Гулчехра ФАЙЗИЕВА – журналист:

Оғриқли нуқта

– Супермаркетларда, дорихоналарда, овқатланиш шохобчаларида терминаллар яхши ишлялпти. Бунга эътирозим йўқ. Аммо бизларга жудаям зарур бўладиган "Отчопар буюм бозори", "Абу Сахий", "Бек-барака", "Чорсу буюм бозори", Қўйлиқдаги қурилиш моллари бозорлари дўконларининг кўпчилигида ҳалигача терминал йўқ. Сотувчидан сўрасангиз у "бизда терминал йўқ" дейди. Гоҳида терминали борлари ҳам "Ишлямаяпти" деб баҳона қилишади. "Уриқзор" улгуржи бозоридаги дўконларда ҳам шу аҳвол. Асосий озиқ-овқат тури бўлган ёғ, тухум каби маҳсулотларни ҳеч қачон пластик карточкада ололмайсиз. Чунки у дўконда терминал йўқ. Яқинда бозордан битта қўйлак харида қилмоқчи бўлдим. Пластик карточкада 150.000 сўм экан. Сотувчига "Арзонроқ қилинг, ахир бу бозор-ку десам у "Нақд пулга 130.000 сўмга шу қўйлакни бераман" деди. Нима учун битта қўйлакка икки хил нарх?

Бундан ташқари тўй-ҳашамларимиз бор. Унда, албатта, сартарошхоналарга ишимиз тушади. Мен кирган сартарошхоналарнинг бирортасида терминал йўқ. Пулимизнинг 80 фоизи пластик карточкага ўтади. Қолган арзиман нақд пулни қаерга ишлятамиз?

Уйимизга сантехник, электрик, газ усталарини чақиртирсак, уларга қандай қилиб ҳақ тўлаймиз? Ёки уйимизни таъмирлатишга уста ёллашса, унинг иш ҳақини қандай берамиз? Уларда терминал йўқ-ку? Гоҳида бирор жойга борадиган бўлиб қолсам "такси" чақиртирмаман. "Такси"ларнинг ҳам ярмида терминали бор, ярмида йўқ. Борадиган жойига нақд пулда 10.000 сўм бўлса, терминали бор "такси"да 20.000 сўмга бораман. Бундан ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг.

Азамат ТОШБУЛОВ, дизайнер:

– Гоҳида эса сотувчи мендан "Пластик карточканинг онлайни?", деб сўраб қолади. "Ҳа" деган жавобни эшитган, "Терминалимиз оддий пластик карточкаларга ишлялди, онлайн ўтмайди", дейди. Бу ҳолат кўп бўлган.

Хўп, бундай пайтда харидорни ким ҲИМОЯ қилади? Сиз нима дейсиз?

Хонбиби ҲИММАТ қизи

Инобат МАҲАМОВА, Самарқанд шаҳридаги 6-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси:

– Бозорларда, савдо шохобчаларида терминалларга кўзим тушган. Агар мен бирон нима харида қиладиган бўлсам, албатта, терминалнинг ишляётганини сўрайман. Мабоодо сотувчи "Ишлямаяпти" дея баҳона қилса, унга: "Мен фақат пластик карточкада тўлайман", деб қаттиқ туриб оламан. Шундан сўнг ноилож қолган сотувчи терминалини ишлятишга мажбур бўлади. Агар ўша хизмат кўрсатиш шохобчасида ростдан ҳам терминали бўлмаса сотувчи уэр сўрайди.

Бугун терминаллардан фойдаланишнинг қўшимча хизматлари жорий этилган. Пластик карточка SMS хизматига уланган: баъзан SMS хабар келмайди. Бу англашилмовчиликни келтириб чиқарамеде.

Шоира МУҲАМЕДОВА – журналист:

– Пластик карточка биз учун ҳар томонлама қулай. Бир пайтлар бозорга борсак, албатта, пачка-пачка пул кўтариб, гоҳида пулларимизни ўғирлатиб қўярдик. Ҳозир ундай эмас. Жуда кўп нарсаларни пластик карточка орқали ҳал қилсангиз бўлади. Ҳаттоки "такси"ларда ҳам терминал жорий қилингани мижозлар учун қулайлик бўлибди. Илгари "Онлайн" пластик карточкалари барча жойда ишлямасди. Ҳозир эса бу пластик карточка ҳамма жойда ўталяпти. Аинқисса, коммунал тўловларни тўлашда пластик карточка ва терминал жудаям асқотаяпти.

Пластик карточкалар одамларга ҳисоб-китобларни тезкор, ҳар қандай жойда ва исталган вақтда масофадан туриб тўлаш имконини бераёттир.

Аммо жаҳон талаблари даражасидаги банк хизмати турларидан бири бўлган ушбу пластик карточкалар билан боғлиқ муаммолар ва камчиликлар ҳали ҳам мавжудки, улар айрим савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида терминаллар орқали аҳолига хизмат кўрсатиш даражасининг кўнглидагидек эмаслигида кўринади. Жумладан, пластик орқали савдо қилинганда сотувчи томонидан устама нархлар қўйиш, турли баҳоналар билан карточка савдосидан бош тортиш каби ҳолатлар одамларнинг сарсонгарчилиги, норозилигини келтириб чиқармоқда.

Шаҳарда ёки туман марказида истиқомат қилувчи аҳоли пластик карточкадан фойдаланишда муаммага дуч келмаслиги мумкин. Чунки аҳоли гавжум худудларда савдо дўконлари, сервис ҳамда маиший хизмат кўрсатадиган шохобчалар ҳам истаганча топилади. Биринди пластик орқали ҳисоб-китоб қилишнинг имкони топиломаса, иккинчисида албатта, бундай қулайлик бор. Бироқ чечка қилшда бу муаммо.

– Қишлоғимизда атиги иккита дўкон, битта сартарошхона одамларга хизмат кўрсатади, – дейди нурубодлик Султон бобо Асқаров. – Нафақамнинг ярми пластик карточкага ўтказилади. Лекин ундаги пулни қаерга ишлятишни билмай овора бўлялмиз. Дўконларнинг бири умуман терминалда савдо

ОЛИС ҚИШЛОҚДАГИ НАФАҚАХҲҲҲ

пластик карточкасидаги пулни қаерга ишлятсан?

қилмайди. Иккинчиси эса маҳсулотларига икки хил - нақд пулга ва пластикка алоҳида нарх қўйиб олган. Қоғоз пулга эҳтиёжимиз ошган кезлар қишлоқдаги дўкончидан ёки туман марказидаги «савдогарлар»дан 15-20 фоиз зарарига пул қўлдиришга келишга мажбуримиз. Бу ҳолатлар учун эътироз билдирганимиз билан фойдаси бўлмаяпти. Наҳотки, ушбу масалаларни ҳал қилишнинг илоҳи топиломаса?! Ахир, тўловларни пластик орқали амалга ошириш ҳуқуқимиз бузиляпти-ку?!

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2006 йил 3 августдаги "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўлдиришга чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ, қолаверса, Марказий банк бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитаси қарорлари ва низомларида 2009 йил 6 августдан бошлаб мамлакатимиздаги барча савдо объектларининг пластик карточкалар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, терминалларни жорий қилиш мажбуриги белгилаб қўйилган бўлса-да, бу ислохотга амал қилинмаган ҳолатлар тез-тез

кузатилмоқда.

Сотувчининг «Бизда «uz-card», оддий пластикка савдо қилмаймиз», «Электр токи йўқ», «Терминалимиз хотираси тўлиб қолган», «Товарларни нақд пулга олиб келеман, терминал ишлятсам, банкдаги пулни ололмайман», деб турли баҳоналар тўқийганига бугун кўпчилигимиз гувоҳимиз. Ҳатто савдо дўконларидаги бирон бир маҳсулотни харида қилишдан олдин «Пластик карточкага қанча бўлади?», дея савдолашишга ҳам одатланиб қолдик.

Юқорида келтирилган меъерий ҳужжатлар ҳамда «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қондалари»га асосан банк пластик карточкалари орқали тўловлар жараёнида товарлар, ишлар, хизматлар нархларини асоссиз оширган шахслар маъмурий ва жинойий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин экан. Пластик карточкалари савдоси билан боғлиқ тартиблар, қойдалар бузилганда истеъмолчилар, Давлат солиқ қўмитаси ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг жойлардаги худудий бошқармалари, бўлимлари ёки тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга муурожаат қилишимизга лозим.


Абдуғофур ШЕРХОЛОВ

ОТАМНИНГ ТАРБИЯ УСУЛИ

Отам — гурурим, савлатим

Ота ҳақида кўп ёзилаётир. Қанча кўп ёзилса, шунча кам-дек. Чунки оталар бизни катта ҳаёт сари тайёрлайди, тарбиялайди.

Бугун ахборот технологиялари тараққий этган даврда фарзандларимизни миллий урф-одатлар руҳида тарбиялаш, уларни ёт гоёлардан ҳимоялаш ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Ахборот-компьютер техникаларининг илмга, тараққиётга қанчалик манфаати борлиги ҳаммага аён. Аммо болаларнинг турли хил миллий қадриятларимизга, динимизга ёт, одамда ёвузлик, ваҳшийлик сифатларини шакллантирувчи бемаъни дастур ва беҳуда ўйинлар билан вақтини ўтказаяётгани ачинарийдир. Бу сингари ўйинлар одамни халқпарвар, меҳнатсевар қилиб тарбиялаш ўрнига унда тажовузкорлик, шуҳратпарастлик ва худбинлик иллатларини шаклланти-



раётгани барчамизга маълум.

Отам таъкидларди: "Бизнинг ёшлигимизда болаларга бирор ноҳўя иш тушунтириладиган бўлса, "ёмон бўлади", деган ёзилмаган бир қоида бўлар эди. Отам бизга: "Сувга туфлама, сувга чиқинди ташлама, нонни увол қилма, кечкурун ёлғиз юрма", дея насиҳат қилсалар, "нега?" деган саволимизга у: "ёмон бўлади", деб жавоб берар эди. Шу сўз бизни кўпгина беадаблиқлардан, ножоиз ишлардан сақлади. Энди шу "ёмон бўлади", усулини сизларга ўргатаман.

Отанинг ўша тарбия усулини тез-тез эслайман. Гўё бу "метод" ҳаётим мазмунига айланиб кетган. Назаримда, бугунги ота-оналар бу шарқона одоб-ахлоқ усулидан кам фойдаланса керак. Ҳозир "ёмон бўлади", деган сўз қайси ёш болани чўчитади? Умуман олганда, интернетга берилиш, унга муккасидан кетиш оқибати "ёмон бўлиши"ни ёшларимизга сингдириб бориш ҳар бир

уйбошининг зиммасидаги масъулият десак, хато бўлмас. Отам бизни яна китоб ўқишга ўргатган. Илм орқали инсон комилликка етишишини тушунтирган.

Мутахассисларнинг фикрича, ота фарзандига кун давомида бор-йўғи 1,5 соат вақт сарфлар экан. Қолгани турмуш ва рўзгор юмушлари. Ўша 1,5 соатни ҳам ким қандай сарфламоқда? Бу ҳар бир отанинг ўз иши, бироқ боланинг барқамол инсон бўлиб вояга етиши ўша ажратилаётган вақтга боғлиқ эканини унутмаслик керак.

"Болани китоб ўқишга ўргатиш, уни порлоқ келажак сари етаклаш-дир", деган экан алломалардан бири. Ҳақиқатан, у китоб орқали оқни қорадан, яхшини ёмондан ажратилиши ўрнади. Оталарнинг бу усули ҳеч қачон эскирмайди.

Абдуқаҳҳор НАЗАРОВ,
ЎзДЖТУ қошидаги 3-сон академик лицейи ўқитувчиси

МЕРОС, МЕРОСХҲҮР, ВАСИЯТНОМА

— Биз яшаб турган уй бир пайтлар бобомнинг номида бўлган экан. Бобом анча йиллар олдин вафот этган. Энди отам уйимизни акамнинг номига ўтказишлари мумкинми? Бунинг тартиби қандай бўлади?

М. Эркинова

Ҳуқуқшунос Амрулло Аҳмедов:

— Мумкин. Агарда отангизга ушбу уй тўлиқ равишда отасидан мерос сифатида ўтган ва расмийлаштирилган бўлса, унда отангиз акангизга, яъни ўз ўғлига ҳада, олди-сотди шартномалари орқали ўтказиши мумкин. Ёки васиятнома орқали вафотидан кейин маълум бир шахсга ёки бир неча фарзандларига васият қилиб қолдириши мумкин.

вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси ҳисобланади. Васиятнома фақат шахсан тузилади. Яъни унинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди. Васиятнома фақат давлат нотариуслари томонидан тасдиқланганда юридик кучга эга бўлади. Васиятнома бир томонлама битим



Сўранг, жавоб берамиз

бўлиб, у билан боғлиқ низолар юзага келган тақдирда фақатгина Фуқаролик судларига мурожаат қилинади. Васиятноманинг аниқ бир шакли йўқ. Ҳатто нотариусга ҳам маълум бир андоза аён эмас. Чунки васиятнома муаллифининг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан бўлиб, матн мазмуни ҳам шунга бўйсунди.

МАҲФИЙЛИГИ КАФОЛАТЛАНДИМИ?

Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек, васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар унинг мазмуни, тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳаққи йўқ.

МЕРОС ВАСИЯТ ҚИЛИНМАГАН ТАҚДИРДА...

Агарда, ота-она вафот этгунга қадар васиятнома бермаган бўлса, фарзандлар меросни қонун бўйича олишга ҳақли ҳисобланади. Бундай ҳолатда фарзандлар ота ёки онасининг меросини олиш ва мерос ишини очиш юзасидан мерос объекти жойлашган ҳудуддаги ёки меросхўр охириги яшаган жойдаги давлат нотариал идораларига мурожаат қилишлари лозим. Давлат нотариуси қонунда белгиланган ҳужжатлар тақдим қилинганидан сўнг, меросхўрларга қонун бўйича меросхўр эканлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

Ота-она ёки мерос қолдирувчи ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирадиган, шунингдек, қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечтасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли ҳисобланади.

У.АДИЗОВА тайёрлади.

ШИФОБАХШ САБЗАВОТЛАР

Кўпчилик сабзавот ва полиз экинларининг шифобахш хусусиятлари хусусида тўлиқ маълумотга эга эмас. Шифокорларнинг таъкидлашича, ушбу табиат неъматлари ҳам мева-чевааларнинг фойдали озуқавий қийматидан сира кам эмас. Айниқса, уларнинг парҳезоблиги эътиборга сазовордир. Қуйида ҳавола этилаётган маълумотлар сизни бефарқ қолдирмаслиги, шубҳасиз.

Табиат шифохонаси

ГУЛКАРАМ — ушбу сабзавот маҳсулоти танадаги ёғлар фаолиятига таъсир этиб, модда алмашинувини тезлаштиради. Асабни тинчлантирувчи витаминга бой бўлиб, шу боис у озиш парҳези осон ўтишини таъминлайди.



КАРТОШКА — одамни семиртиради, деган нотўғри тушуنча мавжуд. Лекин бу фикр унчалик тўғри эмас. Картошканинг 100 граммидан атиги 85 фоиз калория бор. Шу сабабдан картошкадан парҳез пайтида бемалол фойдаланиш мумкин. Ундаги С витамини модда алмашинувини меъёрга келтиради, тананинг касалликларга қаршилик қувватини оширади, турли стрессларни енишда қўл келади.

САБЗИ — таркибида юзни тиниқлаштирувчи бета-каротин витамини мавжуд бўлиб, у терини ташқи муҳитдаги зарарли таъсирлардан ҳимоя этади. Сабзидан мўл-кўл бўлган пектин моддаси эса ҳар қандай парҳезнинг асосини ташкил этади.



ЛАВЛАГИ — танамиздаги вирус ва бактерияларга қарши курашувчи кўп миқдорда бетаин моддасини сақлайди. Унинг таркибидан организмдаги калий ва магний кислоталарини камайтиришга хизмат қилувчи минералларнинг борлиги ушбу сабзавотнинг шифобахшлик хусусиятини янада оширади.

БУЛҒОР ҚАЛАМПИРИ ҳақида гапирганда унинг қизил, сариқ, яшил тусдагилари ҳам борлигини эслаб ўтиш жоиз. Ширин таъмли ушбу маҳсулотда инсонни ёшартирувчи ва унга гўзаллик бахш этувчи капсаицин, эфир мойлари ва биологик фаол моддалар мавжуд. Танадаги қон айланишини яхшилаб, юз рангига ранг қўшадиган булғор қалампирининг хушбўй ҳиди кўпчилигимизга маъқул келади.



НАЪМАТАК — С витаминига бой бўлиб, шамоллаш ва грипга қарши кучли восита. Ундаги каротин, пектин, флавоноид каби моддалар модда алмашинувини тезлаштиради ва терининг чиройли, тоза ва майин бўлишига ёрдам беради.

САРИМСОҚПИЁЗ — таркибидаги биологик фаол моддалар қон айланишига таъсир қилиб, уни тозалайди. Саримсоқпиёздаги селен моддаси ҳужайраларни муҳофаза этувчи ферментларга эга. Парҳез вақтида эса ушбу маҳсулот туз ўрнини босиб, танадаги ортиқча суюқликни чиқариб юборади.



КИМЛАР МЕРОСХҲҮР БЎЛАДИ?

Ҳар қандай шахс меросхўр бўлиши мумкин. Яъни, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлиш ҳуқуқига эга. Жумладан, ота-она, эр-хотин, фарзандлар ва ҳатто бегона шахслар ҳам меросга ҳақли бўлишлари мумкин.



МЕРОС НИМА?

Ҳар қандай моддий ва номоддий объектлар мерос қолдириш объекти бўлиши мумкин. Лекин, мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар жумладан, ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи, аймент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи ва ҳоказолар мерос таркибига киритилиши мумкин эмас. Мерос қолдириш орқали меросхўрларга фақатгина мерос қолдирувчининг ҳуқуқлари ўтмасдан, балки мерос қолдирувчининг мажбуриятлари ҳам ўтади.

Масалан, қарз шартномасига асосан олинган қарзни тўлаш мажбурияти, мерос мулки қабул қилиб олинганидан сўнг, ушбу мулклар бўйича солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш мажбуриятлари ўз-ўзидан меросхўрга юкланади.

ВАСИЯТНОМА НИМА?

Меросхўрлик фуқаролик кодексига кўра, васият ёки қонун бўйича вужудга келади. Васият бу — фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини у



КЎШИҚ ХАВАСГА АЙТИМ-АЙДИ!


Бизгача “Роҳат”, “Шашмақом”, “Муножот”, “Тановар” каби кўплаб миллий куйлар етиб келган. Авваллари кўшиқ яратиш учун ойлаб, баъзан эса йиллаб вақт сарфланган бўлса, бугун қисқа муддатда биргина компьютер воситасида ишлашнинг ўзи етарли. Замон шиддат билан ривожлангани санъат соҳасига ҳам янгидан-янги техник восита ҳамда кулайликларни олиб келди. Бу бир томондан яхши, албатта. Техника янгилангани сайин клиплардаги безакларнинг кўпайиши, кўшиқни мухлисларга сифатли ва таъсирли етказиб бериш имконияти ортди. Бироқ танганинг иккинчи томони бор, деганларидек, бу каби осонлик билан ишлаш жараёни кўшиқчиларнинг ижодига салбий таъсир кўрсатмоқда назаримда.

Аксарият кўшиқларнинг мазмунига эътибор берсак, ёзувчи ва шоир, ҳатто буюк алломаларимиз шеър ҳамда ғазаллари маъноси ўзгартирилиб, турли хатоликларга йўл қўйилган сезилади. Жумладан, Жасур Умировнинг “вай-вай”и. Ўзбек адабий тилининг меъёрлари қабул қилинган бўлишига қарамай, хонанда мазкур кўшиғида она тилимизда мавжуд бўлмаган “вай” сўзини ишлатиб кўпол хатога йўл қўйди. Ўзбек тилида “вай” эмас, балки “вой” сўзи бор.

Буюк алломаларимиздан бири Ибн Сино “Китоб аш-шифо” рисоласида мусиқа ҳақида шундай дейди: “Мусиқа ҳаётбахш, олижаноб ахлоқий хусусиятларни ривожлантиради, у инсонга хизмат қилади, унинг интеллектуал ва ахлоқий қиёфасини шакллантиради”, деган эди. Бироқ, бугунги кўшиқчилик санъати нимага хизмат қилмоқда?

Яна бир мисол, Ботир Қодировнинг “Бормаймен деди” куйи. Хонанда кўшиқ матнида адабиётимизнинг буюк намоёниси бўлмиш Абдулҳамид Чўлпоннинг “Йуку” номли шеърдан фойдаланган. Аммо, куйни ижро этиш жараёнида шеърни шу қадар ўзгартириб юборганки, уни Чўлпон эмас, ўзга бир инсон қайтадан ёзгандек. Кўшиқда сўзларнинг ўзгартириб, бузиб айтилгани буюк ёзувчимизнинг ижодига нисбатан ҳурматсизликдек туюлади.

Бир неча ой аввал “Жамилахоним ёмонлар” деган кўшиқ қулогимга чалиниб қолди. Ижро этаётган кўшиқчининг овози хонанда Сардор Раҳимхонга ўхшаб турса-да, бунга ишонмайроқ кимлигини билмоқчи бўлдим. Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу кўшиқни у куйлаган экан. Кўшиқ матнидан



парча:

*Одамлару одамлар,
тилми еди аламлар.
Чақмачақр захар илон,
Жамилахоним ёмонлар.
Ширин хаёл сурганим,
сафарларда юрганим
Жамилахонимга ёқмас,
ўтирганим турганим.
Ёмонлару ёмонлар, доим
душман томонлар.*

*Сани ташлаб кетар деса,
Жамилахоним ишонар.
Шарқда аёл зотиға нисбатан
юксак ҳурмат ва эъзоз ҳамиша
қадрланган. Кўшиқларда
уларнинг захарли илонга
қиёсланиши қайси мантиққа
тўғри келади?*

Машиналарда жаранглаб қулоқларни ҳам “лоп” қолдираётган Жаноб Расулнинг “Соп сори” кўшиғи сўзига қаранг:

*Бир қиз галди, қрасива,
Миниб галди, каптивва.
Урганчдан шу манимча,
ё Хиёва.*

*Чиройликан ростанам,
Селена Гомезданам
Юрак манда қаттиқ эди,
тошданам.*

Айрим кўшиқларда бундай тўмтоқ жумлалардан баттари

ҳам учрайди.

Иқбол Мирзо, Ўзбекистон халқ шоири, Миллий эстрада ни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш жамоатчилик кенгаши раиси:

– Ёш хонандалар томонидан талаб даражасига жавоб бермайдиган кўшиқлар ижро этилаётганига қарамай, қайсидир аудитория қатлами уни қабул қилади. Назаримда бунга сабаб халқимиз аҳолисининг маълум бир қисми, асосан ёшларни кўшиқ мазмунидан кўра кўпроқ оҳанги қизиқтиришидадир. Қолаверса, Ибн Синонинг мусиқа билан даволаш усули мавжудлигини кўпчилик яхши эшитган бўлса керак. Бундан шу нарса аён бўладики, куй ёрдамида инсонни даволаб бўлар экан, демак, бемаъни ва руҳиятга салбий таъсир этувчи кўшиқ билан одамзодни хаста қилиш ҳам ҳеч гап эмас. Мисол учун ҳозир аксарият клипларда иштирок этаётганлар телефонни кўлига ушлаб олиб, токи кўшиқ ниҳоясига етгунига қадар у

ёқдан-бу ёққа юриб яқунлашади. Ахир, бу ёшлар орасида авж олаётган селфиманияни тарғиб қилиш дегани эмасми? Турганда, юрганда ва ҳатто иш қилаётганда ҳам кўлидан уяли алоқа воситасини қўймай, ўзини-ўзи тасвирга олишни иллат деб биламан. Лекин халқ билган, таниган хонандаларнинг клиплари бу иллатга қарши курашиши ёки уни қўлаб-қувватлашдан далолат берадими?! Биламизки, кўшиқ инсон учун қандайдир бир тарбиявий аҳамият касб этсагина қадрли бўлади. Бироқ, бундай тароналарнинг маъносига эътибор берса, ҳамма нарса англашилади-ку. Наҳотки, ёш хонандалар ўзлари ижро этаётган кўшиғига шунчалар безэтиборлик билан қарасалар?! Шу ўринда яна бир муҳим янгиликни айтмоқчиман, Бемаъно кўшиқларнинг кўпайишини олдини олиш учун куни кеча Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида Кўшиқнавислик кенгаши тузилди. Кенгашнинг раиси сифатида Нодир Жонузоқ, унинг аъзолари Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Азизбек Анвар ва мен тайинландик. Бу ерда асосан кўшиқларнинг матни кўриб берилди. Бундан ташқари савиясиз кўшиқлар ижро этилмаслигини назорат қилиш мақсадида катта бадий кенгаш тузишни ҳам режалаштириб турибмиз. Ёш хонандаларимиз адабиётдан узоқ бўлганликлари ва китоб мутолаа қилиш учун кўп вақт ажратмаётганликлари учун ҳам ҳозирда кўпгина кўшиқлар саёлашиб кетмоқда. Авваллари Фозил Йўлдош ўли қабри бахшилар ўтгани кўпчиликка маълум. Бу инсонга “Ўзбекистон халқ шоири” деган унвон ҳам берилган. Демак, ўша пайтда бахшилар шоир ҳисобланган. Улар биринчи навбатда кўшиқ ёзиб, ўзлари матн тузган. Ўйламанки, қилинаётган ишлар ўз самарасини бериб, экранда мазмундор кўшиқлар кўпаяди.

Икромжон Аслий, шоир, журналист:

– Ижод билан алоқадор инсон бўлганим учун классика, эстрада ёки хориж куйлари бўладими доим кузатиб бо-

раман. Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров, Бобомурод Ҳамдамов, Ортиқ Отажонов ва бошқа устозларнинг кўшиқларини эшитса, одам маънавий завқ олиб, тушкун ҳолатда бўлса ҳам кайфияти кўтарилади. Бу йўналишдаги устозлар орасида созанда ва санъаткор Аҳмадjon Дадаевнинг ижодини жуда қадрлайман. Мана шу инсоннинг барча кўшиқлари кишига завқ беради. У қайси шоирнинг шеърини куйга солмасин, матндаги маънони ўз ҳолича қолдириб, ўзгартирмай айтади. Лекин ҳозирги кунга келиб ёшлар ота-боболаримизнинг шеър ва ғазалларини куйга соляпмиз дейди-ю, бироқ талабларга риоя қилишмайди. Масалан, авваллари Санобар Раҳмонова куйлаган “Сабо келтир хабар қишлоқларимдан” деган Ҳабибий домланинг сўзлари билан айтилган кўшиқни яқинда хонанда Ҳилола Ҳамидова бузиб айтди. Ҳабибий домла “хусусан дилга шу олий табиат, қадрдон дўстларим ўртоқларимдан” деган байтидаги “олий табиат” сўзини Ҳилола Ҳамидова “она табиат” деб ўзгартирган. Ёки бўлмаса, Фирдавс исми хонанда йигитимиз “Сўлим” кўшигини куйлаб чиқди. Мусиқаси менга манзур бўлди, бироқ “чабқидек мастона парвоз айлаганда ўли пари, очилар домига ўли йўлда ушлатганмикан” деган мисрадаги “чабқи” сўзини “калка” деб талаффуз қилиб, маънони буткул ўзгартириб юборган. Мумтоз адабиётда “чабқи” бу – “каклик”. Савиясиз кўшиқларнинг кўпаяётгани – ижодий ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилмаётганидан.

“Божалар” гуруҳи кўшиқларидаги матн чалқас. “Уммон”нинг ашуаларини эшитиш қулгили. Кўшиқнинг қадрини унинг қанча муддатгача яшай олиши, яъни мухлислари қалбидан ўчмаслигида деб биламан. Бу каби кўшиқларнинг умри 3-4 йилдан нарига ўтмаяпти. Аксар хусусий радио каналларда “хит” тарзида тингловчиларга эшиттирилаётган олдиқонди кўшиқлар бир йилга ҳам бормасдан эски либосдек ўз аҳамиятини йўқотмоқда.

**Ширинхон МҶМИНОВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири**

Оила ва жамият

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Вохид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртмага Г – 1136. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 3667. Ваҳоси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Бош навбатчи: О. Жумабоев
Навбатчи: Ш. Мўминова
Мусахҳах: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов
Газета таҳририят компьютер марказида

ISSN 2010-7609



терилди ва саҳифаланди

1 2 3 4 5